

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«КЕЛИШИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазири А.Ҳ.Тошқулов

«__» _____ 2021 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти ректори
М.Э.Пўлатов

«__» _____ 2021 й.

**5A230201 - Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги
бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш синовлари**

**ДАСТУРИ
ВА
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

САМАРҚАНД – 2021

Тузувчи: СамИСИ “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н. Ф.У.Турсунов
СамИСИ “Менежмент” кафедраси доценти в.б, и.ф.ф.д. Б.Х.Азизкулов

Тақризчилар: ТДИУ “Иқтисодиёт” факултети декани доцент,
И.ф.н. Х.И.Турдибеков
СамИСИ “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири,
и.ф.н, доцент А.Н.Холикулов

Дастур Олий Таълимнинг “Менежмент” таълим йўналишида ўтилган фанлар, шу жумладан, “Менежмент”, “Стратегик Менежмент” ва “Менежментни бошқариш” фанлар мажмуасини ўзида акс эттирган.

Мазкур дастур 5А230201 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш синовларини топширувчиларга мўлжалланган.

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ҳамда тавсия этилган (2021 йил __ июн 11-сонли мажлис баёни)

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилган (2021 йил __ июн __ сонли баёни).

Кириш

“Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар синов топширишда махсус фанлар етакчи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун магистратурага кирувчилар “Менежмент” таълим йўналиши доирасида тўлиқ ўзлаштириб олишган фанлардан ташкил топган махсус фандан синов топширишда қуйидаги фанларга алоҳида эътибор қаратишлари муҳимдир, яъни “Менежмент”, “Стратегик Менежмент” ва “Менежментни бошқариш”. Бунда магистратурага кирувчилар Менежмент, стратегик режалаштириш, Менежмент фаолиятини бошқариш, интерактив Менежмент каби Менежментга оид категорияларнинг моҳиятларини, функцияларини, иқтисодиётдаги ролини, уларнинг таркибий қисмлари билан боғлиқ саволларни, уларга тааллуқли муаммолар ечимини билишлари ва ёрита олишлари муҳимдир. Шунингдек, синов жараёнида абитуриентларнинг мутахассислик бўйича илмий, илмий-техник ахборотлар билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш бўйича билимларига ҳам катта аҳамият қаратилади.

Ушбу махсус фанлар дастури фақат “Менежмент”, “Стратегик Менежмент” ва “Менежментни бошқариш” фанлари бўйича тасдиқланган дастурларда келтирилган мавзулари асосида тузилган.

Махсус фанлар таркибига кирувчи иқтисодий категориялар хизмат кўрсатиш (ишлаб чиқариш)ни ҳамда товар айланишини ташкил қилувчи, миллий иқтисодиётни ўсишига олиб келувчи иқтисодий восита бўлиб ҳисобланади. Менежмент, стратегик режалаштириш, Менежмент фаолиятини бошқариш, интерактив Менежмент ва бошқа иқтисодий категориялар жамият ривожланишининг барча босқичларида мавжуд бўлган.

Менежмент, стратегик режалаштириш, Менежмент фаолиятини бошқариш, интерактив Менежмент ва шу каби иқтисодий категориялар бозор муносабатларини ташкил қилувчи асосий воситаларидан ҳисобланиб, бозор механизмининг самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Уларнинг барқарорлигини таъминлаш самарали иқтисодиётни ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади ва Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқиш йўлларини белгилаб беради.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тубдан яхшилаш, сотувчилар ва харидорлар учун энг қулай шароитларни яратиш, шу орқали аҳолининг талаб-эҳтиёжини қондириб, уларнинг турмуш тарзи даражасини юксалтириш Менежмент фаолиятини амалда кенг қўллаш билан боғлиқ ҳисобланади. Бу эса Менежментга оид бўлган махсус фанларнинг ҳозирги даврда долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида рўй бераётган ўзгаришлар иқтисодиётда янгича бошқариш усуллари қўллашни талаб этмоқда. Бу эса иқтисодиёт, бизнес ва менежмент соҳалари бўйича кадрларни тайёрлашда Менежментга оид фанларнинг аҳамияти ниҳоятда юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Шу боис, ушбу масалаларнинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан юқори малакага эга бўлган Менежмент соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашни тақозо этади.

Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мутахассис фанлари бўйича магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган синов дастурининг мақсади – махсус фанлардан синов мавзулари ҳамда саволларни белгилаб бериш ҳамда баҳолаш мезонларини аниқлаш бўлиб ҳисобланади.

Мутахассис фанлари бўйича магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган синов дастурининг вазифалари – Менежментнинг моҳияти, Менежментнинг асосий тамойиллари, вазифалари ва турлари, Менежмент фаолиятини ахборот билан таъминлаш, бозор конъюнктурасини ўрганиш ва прогноз қилиш, товар, нарх, тақсимот, коммуникация ва силжитиш сиёсатлари каби мавзулардан магистратурага кирувчиларнинг билимини ҳамда кўникмаларини аниқлаш ҳисобланади.

Махсус фанлар бўйича магистратурага ўқишга кирувчи бакалаврларнинг билимига, тайёргарлигига ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Махсус фанлар доирасида тузилган синов дастурида Менежмент, стратегик режалаштириш, Менежмент фаолиятини бошқариш, Менежмент соҳасининг моҳияти, функциялари, бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва ўрни, уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари каби саволлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўриб чиқилади, шундан келиб чиққан ҳолда 5A230201 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчи:

- махсус фанларни ўрганиш даврида ҳар бир мавзу бўйича таянч ибораларига ҳам жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;

- махсус фанларни ўзлаштириш натижасида Менежмент, стратегик бошқариш, Менежмент фаолиятини бошқариш, бошқарув ва ҳоказо муносабатларда бўладиган ўзгаришларни билиши;

• мутахассисликка оид илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш бўйича билимга эга бўлиши лозим.

Махсус фанлардан синов мавзуларини бошқа умумқасбий фанлар билан алоқаси

Махсус фанларни ўрганиш давомида бакалавр уни бошқа умумқасбий фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунган ҳолда микро ва макро иқтисодий даражада, шунингдек глобал Менежмент, бизнес, логистика, товарлар ва хизматлар Менежменти ҳамда бошқа муносабатларининг ролини ва ўрнини кўрсатиб бераоладиган даражада билишлари лозим.

Махсус фанларни ўрганиш магистратурага синов топшириб кириш учун тайёргарлик кўришда асос бўлиб ҳисобланади. Шу боис, махсус фанлардан тузилган синов саволларига жавоб беришда куйидаги фанлар билан, яъни, “Менежмент тадқиқотлари”, “Тизимли Менежмент”, “Таккослама Менежмент”, “Глобал Менежмент”, “Стратегик бошқарув” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этиш муҳимдир.

Махсус фанлардан синов дастури

“МЕНЕЖМЕНТ” фани бўйича

“Менежмент” фанининг предмети, мазмуни ва вазифалари

“Менежмент” фанининг предмети, объекти ва вазифалари. Менежментнинг мақсади. Истеъмолчини устуворлиги. Менежмент жараёни. Менежмент тушунчаси ва унинг моҳияти, мазмуни. Менежментнинг асосий категориялари. Замонавий Менежмент тушунчаси. Замонавий Менежмент - бу бошқарувгага йўналтирилган ишлаб чиқариш ва кадрлар бошқаруви тизимидир. Бошқарув қарорлари. Менежмент элементлари таркиби ва жараёни тушунчаси.

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитларида Менежментни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Ривожланган давлатлар иқтисодиётида бошқарув амалиёти тажрибаси. Ўзбекистонда Менежментни вужудга келиши ва ривожланиши – тадбиркорлик фаолияти тури сифатида. Менежмент – замонавий тадбиркорликни бош омили сифатида.

Менежментни ривожланиш эволюцияси ва концепцияси

Менежментни вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари. Менежментни ривожланиш тарихи. Менежмент ва савдо фаолиятларини ривожланишида “Буюк ипак йўли” нинг ўрни. Ўзбекистонда Менежмент фаолияти ва фанини ривожланиши. Товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш жараёни.

Менежмент назарияси концепцияси ва унинг эволюцияси. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш концепцияси. Товарни такомиллаштириш концепцияси. Анъанавий Менежмент концепцияси. Ижтимоий-ахлоқий Менежмент концепцияси. Ўзаро алоқавий Менежмент концепцияси. Инновацион Менежмент концепцияси.

Менежмент функциялари, вазифалари ва тамойиллари

Менежмент функциялари ва фаолияти мазмуни. Тактик режалаштириш ва назорат. Менежментнинг асосий вазифалари. Менежментни асосий тамойиллари. Бошқарув, ўзгаришларга тезда мослашиш ва унга фаол таъсир ўтказиш жараёни - Менежментни асосий тамойилидир.

Мамлакатни модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида товар, нарх, тақсимот коммуникация ва силжитиш сиёсатларини амалга ошириш йўллари. Талабнинг ҳолати ва ривожланишига кўра Менежментнинг турлари.

Менежмент фаолиятини ахборот таъминоти

Ахборот Менежментни пойдеворидир. Ахборот тизими. Ахборот турлари ва уларни туркумлаш. Ички ва ташқи ахборот. Бирламчи ва иккиламчи маълумотлар. Ахборотларни тўплаш услублари. Аудитория билан алоқа қилиш услублари. Тўпланган ахборотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш. Менежмент ахборотларини асосий элементлари. Ахборотларни ишлатишда компьютер дасурларини қўллаш. Ахборотларни статистик, бухгалтерия ва жорий ҳисоботлардан тўплаш, уларни эконометрик усуллар билан баҳолаш. Бозор ҳолатига ташхис қўйиш–аналитик, эксперт ва имитация усуллари.

Менежмент тизими ва соҳаси

Менежмент тизими ҳақида тушунча. Менежмент турларини асосий белгилари. Инновацион Менежмент. Логистик Менежмент. Глобалъ Менежмент. Тармоқлар Менежменти. Товарлар Менежменти. Хизматлар соҳфси Менежменти. Ишлаб чиқариш воситалари Менежменти. Агро Менежмент, рақамли Менежмент, интерактив Менежмент ва бошқалар.. Халқаро Менежмент. Халқаро ва миллий Менежмент ассоциациялари. Ўзбекистонда Менежмент фаолиятини ташкил этиш.

Менежментни ички (микромухит) ва ташқи муҳити (макромухити ва бевосита ўзаро алоқалар). Корхонанинг ички Менежмент муҳити – раҳбарият томонидан бошқариладиган омиллар: Янги бозорни танлаш, ўрганиш, хом–ашё, техника ва технология, меҳнат ресурслари таъминоти, моддий техника таъминоти, илмий ва конструкторлик ишлари хизмати, ишлаб чиқариш, сервисни ташкил этиш ва бошқариш. Ташқи муҳит. Макромухит ва бевосита ўзаро алоқалар. Макромухит омиллари: демографик, иқтисодий, табиат омиллари, илмий–техник омиллар, сиёсий ҳукуқий омиллар, ижтимоий–маданий омиллар. Бевосита ўзаро алоқалар: харидорлар, рақобатчилар, таъминотчилар, воситачилар, контакт аудиториялар.

Менежмент фаолиятини бошқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари. Бозор имкониятларини таҳлил этиш. Мақсадли бозорни танлаш. Менежмент комплексини ишлаб чиқиш. Менежмент чора–тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш.

Менежмент фаолиятини режалаштириш

Менежмент фаолиятини режалаштириш. Стратегик режалаштириш. Режалаштириш. Стратегик режа. Миссия. Стратегик режалаштиришнинг асосий тамойиллари. Хўжалик ва маҳсулот портфели таҳлили. Ситуация таҳлили. Миссиядан стратегик мақсадларни танлаш. Стратегик аудит. SWOT таҳлил. Бизнес портфель. Ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш. Стратегик режалаштиришда Менежментнинг роли. Тактик режалаштиришнинг ўрни. Мижозлар билан муносабатлар натижасида ҳамкорлик. Менежмент тизимининг иштирокчилари билан ҳамкорликни шакллантириш. Менежмент режаси. Менежмент дастури ҳақида тушунча. Менежмент дастурини ишлаб чиқиш кетма-кетлиги ва асосий бўлимлари. Менежмент аудити. SWOT таҳлил натижалари. Мақсадлар ва муаммолар. Мижозларга йўналтирилган Менежмент стратегияси. Менежмент комплексини ишлаб чиқиш. Менежмент режасини амалга ошириш. Менежмент назорати. Менежмент

бжджети. Менежмент бўлимини ташкил этиш.

Талабни қондиришни тадқиқ этиш ва прогноз қилиш

Талаб тушунчаси, унинг турлари, талабга таъсир этувчи омиллар. Талабнинг эластиклиги. Бозор элементлари. Бозор сиғими. Бозор конъюнктураси ҳақида тушунча. Конъюнктурани шакллантирувчи омиллар. Бозор конъюнктурасини асосий кўрсаткичлари: талаб ва таклиф ҳажми, нарх, конъюнктура кузатишлари мазмуни ва вазифалари. Бозор конъюнктураси ҳолати ва уни баҳолаш услублари. Конъюнктурани прогноз қилиш. Қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли конъюнктура прогнозлари. Бозор конъюнктурасини прогноз қилиш услублари. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш ва прогноз қилишнинг ўзига хос хусусияти ва йўллари. Бозор конъюнктурасини прогноз қилишда экстрополяция, эксперт баҳолаш, анкета орқали кузатувлар, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслардан фойдаланиш.

Коммуникация сиёсати

Коммуникация тушунчаси. Талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантиришда коммуникациянинг аҳамияти. Коммуникация ва силжитиш Менежментнинг муҳим элементидир. Савдо рекламасининг иқтисодий–ижтимоий моҳияти ва аҳамияти. Сервис хизматини ташкил этишда реклама хусусиятлари. Харидорларга таъсир этиш услублари (товар ассортиментини такомиллаштириш, сотишни ташкил этиш, нарх сиёсати, реклама, товар ҳақида ижтимоий фикр яратиш, «паблисити» ва бошқалар). Сотувчиларга таъсир этиш услублари (кўриклар, мукофотлар, чегирмалар ва ҳоказолар). Коммуникация сиёсатининг моҳияти ва мақсадлари. Савдо рекламаси воситалари ва уларни танлаш. Менежмент коммуникацияси комплекси: реклама, сотишни рағбатлантириш, жамоа билан алоқа: ПР ва паблисити, шахсий сотув, тўғридан тўғри Менежмент, ҳомийлик ва бошқалар. Имидж. Медиа технологиялар, директ Менежмент, “сейлз промоушн” ва бошқалар. Коммуникация сиёсатининг вазифалари ва уни ечиш йўллари. Менежмент коммуникацияси режаси.

Рақобат ва рақобатбардошлик

Рақобат тушунчаси ва унинг турлари. “Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг моҳияти ва аҳамияти. Рақобатбардошлик моҳияти. Товарлар ва хизматлар бозорида рақобат ва уни аниқлаш усуллари. Корхона рақобатбардошлиги ва унинг кўрсаткичлари. Мамлакат, иқтисодиёт, тармоқ рақобатбардошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар. Товар рақобатбардошлиги ва уни ошириш йўллари. Рақобат муҳити. Бозордаги рақобат муҳити кўрсаткичлари. Бозорнинг рақобат харитаси. Бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш, корхоналарни рақобатли бозорларда фаолият кўрсатиш стратегиялари: паст нарх билан ёриб кириш, ўта ноёб янги товар билан юқори нархда қаймоғини олиш, бозордаги мавқеини сақлаб қолиш ва бошқалар.

“СТРАТЕГИК МЕНЕЖМЕНТ” фани бўйича

Корхонада менежментнинг роли

“Стратегик Менежмент” фанининг моҳияти ва предмети. Менежментнинг ғоявий асослари. Менежмент бюджети, режани амалга ошириш ва назорат қилиш. Стратегик Менежмент – таҳлил жараёни. Операцион Менежмент – фаол жараён. “Стратегия” атамаси моҳияти ва унинг корхона бозор фаолиятидаги ўрни. Корхонада Менежментнинг роли. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида стратегик Менежментни ўзига хос хусусиятлари.

Менежмент ва эҳтиёжни қондирилиши

Инсон эҳтиёжи ва иқтисодий муҳит. Эҳтиёж, хоҳиш, талаб. Эҳтиёж турлари ва уларга таъсир этувчи омиллар. Талаб турлари. Эҳтиёжлар назарияси. А.Маслоу бўйича эҳтиёжлар типологияси. З.Фрейд назарияси. Мэррей бўйича эҳтиёжларни туркумлаш. Якка истеъмолчилар мотивациялари. Мотив ва унинг турлари. Саноат харидорлари мотивацияси. Саноат товарларига талабни тузилиши. Саноат товарларини харид қилиш жараёни.

Бозор сегментацияси воситасида эҳтиёжлар таҳлили

Макросегментация таҳлили. Истеъмолчилар гуруҳлари. Технологиялар. Янги сегментларни қидириш. Асосий бозорни қамраб олиш стратегияси. Ижтимоий демографик сегментация. Ижтимоий-маданий сегментация. Саноат товарлари бозори сегментацияси.

Фирманинг рақобатбардошлиги таҳлили

Рақобат ва рақобатли устунлик тушунчаси. Кенгайтирилган рақиблик концепцияси. Янги рақибларнинг келиш хавфи. Товарнинг ўрнини босувчилар келиш хавфи. Миждозлар томонидан сиқувга олиш имкониятлари. Таъминотчилар томонидан олиш имкониятлар босими. Тармоқдаги рақобатчилар. Рақобатчилар реакциясининг таҳлили.

Бошқарув стратегиясини танлаш

“Рақобатбардошлик – жалб этувчанлик матрицаси” усули. “Бозор хиссаси ўсиши” матрицаси – БКГ матрицаси асосида ётувчи гипотезадир. Товар бозорининг типологияси. Товар портфели диагнози. Ўсиш стратегияси. Интенсив ўсиш: бозорга чуқурроқ кириш, бозор ҳудудларини кенгайтириш стратегияси, товарни такомиллаштириш стратегияси. Интеграцион ўсиш стратегияси: “орқага” интеграция стратегияси, горизонтал интеграция стратегияси. Диверсификацион ўсиш стратегияси. Рақобатчилик стратегияси.

Янги товарлар ишлаб чиқариш йўли билан ривожланиш

Инновация таваккалчилигини баҳолаш. Янгилик киритишнинг компонентлари. Фирма учун янгилик даражаси. Янгилик киритиш интенсивлиги. Таваккалчилик таҳлили. Сифат стратегияси. Харидор нуқтаи назаридан сифат. Хизматларнинг сифат таркиби. Ишлаб чиқариш жараёнининг ташкил этилиши. Юқори технологик товарлар Менежменти.

Нархни ташкил этиш бўйича стратегик қарорлар

Менежмент стратегиясида нархнинг роли. Харидорнинг нархни қабул этилиши. Нарх қарорларининг муҳимлиги. Фойда билан боғлиқ бўлган мақсадлар. Талаб нуқтаи назаридан нарх. Эгилувчан нарх стратегияси. Рақобат нуқтаи назаридан нарх. Нархларни ошириш стратегияси. Нархларни

ташқил этиш. “Қаймоғини олиш” стратегияси. Паст нарх стратегияси.

Коммуникация бўйича стратегик қарорлар

Менежментда коммуникациянинг роли ва табиати. Менежментда коммуникация воситалари. Коммуникация жараёни. Шахсий ва шахсий бўлмаган коммуникация стратегияси. Коммуникация харажатлари. Шахсий муносабат. Корхона ходимларининг мақсад ва вазифалари. Рекламали коммуникация жараёни. Рекламали каналлар ролини танлаш.

Стратегик Менежмент режаси

Стратегик режалаштиришнинг ролини асослаб бериш. Стратегик Менежмент режасининг умумий тузилиши. Стратегик Менежментнинг аҳамияти. Менежментнинг ташқи муҳити. Бозор тенденциялари таҳлили. Рақобат тузилишининг таҳлили. Рақобатбардошликни таҳлил қилиш. Сотиш тизимига киришни таҳлил этиш. Мақсадни танлаш ва стратегик мўлжал. Стратегик Менежмент дастурини ишлаб чиқиш йўллари.

“СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ” фани бўйича

“Стратегик бошқариш” тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари

Фаннинг предмети ва мазмуни. Стратегияга мос йўналишларни белгилаш. Стратегияни қувватловчи ишчанлик суҳитини яратиш, Хал қилувчи вазифаларга одасларни танлаш. Стратегик бошқариш тамойилида бош қийматлар ва ташкилий имкониятлар яратиш. Ташкилий тузилмани стратегияга мослаштириш. Фаолиятнинг стратегик аҳамиятга эга йўнаоишларини аниқлаш: Алоқа тизими ва функциялараро мувофиқлаштириш.

Реинжиниринг ва тузилмаларни моҳияти

Ташкилий тузилмани стратегияга мослаштириш. Нима учун тузилма стратегияга эришади. Бошқаришнинг турли ташкилий тузилмалари афзалликлари ва камчиликлари. Тузилмаларни мослаштириш фаолияти истиқболлари, бугунги кунда корхонани бошқариш ва уларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижаси.

Корхона бюджети ва сиёсати

Бюджетларни стратегиялар билан боғлаш. Стратегияни қувватловчи сиёсат ва муолажалар яратиш. Стратегияни такомиллаштириш энг яхши амалиётни киритиш. Қувватловчи тизимларни ўрнатиш. Стратегик ахборотни ифодалаш.

Стратегияни қувватловчи моддий рағбатлантириш тизими

Тақдирлаш санъати. Мукофотлар ва рағбатлантириш. Мукофотларни иш натижасига боғлашнинг зарурлиги. Эришилган натижалар учун тўловлар.

Стратегияни қувватловчи корпоратив маданият яратиш

Корпоратив маданият. Корпоратив маданият кучи. Кучли ва заиф корпоратив маданият. Яхши ривожланмаган ёки носоғлом корпоратив маданият. Маслашувчан корпоратив маданият. Стратегия ва маданиятни мувофиқлигини таъминлаш. ахлоқий меъёрлар ва қадриятлар тизимини ўрнатиш. Корпоратив маданиятни такомиллаштириш

Стратегик етакчиликни таъминлаш

Персонал билан максимал мулоқот асосида бошқариш. Стратегияни қувватловчи муҳит ва маданият яратиш. Ташкилот ички муҳитининг янгиликларни тадбиқ этиш қобилиятини қувватлаш. Корхона сиёсатига муносабат. Ахлоқий хулқни қувватлаш. Мувофиқлаштириш жараёнига раҳбарлик қилиш.

Корхона бошқаруви функционал тузилмаларнинг стратегик афзалликлари ва камчиликлари.

Корхона функционал тузилмаларининг стратегик устунликлари ва стратегик камчиликлари. Бошқарувнинг бизнес бирликларига мослашган марказлашмаган. Тузилманинг стратегик афзалликлари ва камчиликлари. Бошқарувни матрица тузилмасининг стратегик афзалликлари ва камчиликлари фаолият турлари кўпайтирилган глобал корхонадаги матрица кўринишидаги тузилма.

Стратегияни амалга ошириш ва назорат қилиш

Мавжуд стратегиянинг самарадорлиги. Корхонанинг стратегик муаммолари. Рақобат устунлигини сақлаш учун химоя стратегиясидан фойдаланиш. Тургун ва сўниб бораётган тармоқлардаги стратегия. Стратегияни қайта куриб чиқиш. Муваффақиятли стратегия яратиш тамойиллари

Банк тизимида стратегик бошқариш

Банк тизимида стратегик бошқариш. Банк стратегияси банк тизимида самарали стратегик бошқариш ташкил этиш омиллари. Банкларни рейтингини шакллантирилиши. Банк тизимининг асосийкўрсаткичлари. Функционал сифат ва хусусиятлар. Банк имиджи. Қўшимча хизмат курсати.

Тармоқ ва соҳаларда стратегик бошқариш

Иқтисодиётни стратегик бошқариш. Қурилиш ва саноат ишлаб чиқаришда стратегик бошқариш. Ишлаб чиқаришда стратегик бошқариш. Таълим соҳасини стратегик бошқариш. Тиббий хизматларни стратегик бошқариш. Алоқа ва ахборот технологиялар соҳасини стратегик бошқариш. Аграр ва банк тизимини стратегик бошқариш.

Корхонат стратегиясининг самарадорлиги

Махсулдорликнинг корхона стратегиясига боғлиқлиги. Рақобат стратегиясини моҳияти. Рақобат кучлари М.Портернинг рақобат муҳити таҳлили модели. Тўғри йўналтирилган стратегия. Тўғри йўналтирилган стратегиянинг мезонлари. Рақобатдан химояланиш стратегияси. Тармоқларни химоялаш учун стратегия.

Инновация стратегиялари

Инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва бошқариш хусусиятлари. Инновацион фаолиятда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари. Инновацияларни жоний этишга қаршилик кўрсатувчи омиллар. Инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришда ходимлани инновацион фаоллигини амалга ошириш стратегияси. Инновацион жараён стратегияси. Инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш стратегияси.

**5A230201 “Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” мутахассислиги
бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кириш синовлари
НАЗАРИЙ САВОЛЛАРИ**

1. «Илмий менежмент» мактаби ва Ф. Тейлор таълимотининг моҳияти.
2. «Инсоний муносабатлар» мактабининг моҳияти.
3. «Мумтоз менежмент»нинг моҳияти.
4. «Тизимли» ёки «Замонавий» менежмент моҳияти.
5. Амал қилиш характериға кўра бошқарув қарорларини қандай турлари мавжуд.
6. Анъанавий ва тавсияли қарорларнинг аниқ ва ноаниқ қарорлардан фарқи нимада?
7. Ахборот нима? Унинг бошқаришдаги роли нималардан иборат?
8. Ахборот тизими тушунчаси ва уни бошқаришдаги роли.
9. Ахборотлар тизими.
10. Бозор иқтисодиёти шароитида ходимларни танлаш, ишга қабул қилиш ва уларга қўйиладиган талаблар.
11. Стратегик ва тактик қарорлар, умумий ва махсус қарорлардан қандай фарқланади?
12. Бозорни сегментларга ажратиш
13. Бошқариш структураларининг ташкилий турлари.
14. Бошқариш структурасини белгиловчи омиллар.
15. Бошқариш структурасини қайта ташкил қилиш усуллари, шакллари ва йўллари.
16. Бошқариш структурасини мазмуни.
17. Бошқариш таълимотидаги тўрт йўналиш тўғрисида нималар дея оласиз?
18. Бошқариш функцияларини бажаришда қандай усуллар қўлланилади?
19. Бошқаришда фойдаланиладиган ахборотларга қўйиладиган талаблар.
20. Бошқаришни функционал структурасини ижобий ва салбий томонлари.
21. Бошқаришнинг иқтисодий усуллари.
22. Бошқаришнинг ташкилий-маъмурий усуллари.
23. Бошқаришнинг ташкилий-маъмурий усуллари.
24. Бошқаришнинг чизиқли структураси ва структуранинг ижобий, салбий томонлари.
25. Бошқаришнинг чизиқли-штабли структураси.
26. Бошқарув ахборотларини белгиларига қараб туркумланиши.
27. Бошқарув ваколатлари тушунчаси, мазмуни ва моҳияти.
28. Бошқарув ваколатларининг турлари.
29. Бошқарув қарорлари таснифи.

30. Бошқарув қарорларига қўйиладиган талаблар.
31. Бошқарув қарорларини қабул қилиш босқичлари
32. Бошқарув қарорларини қабул қилишда қандай усуллар қўлланилади?
33. Бошқарув қарорларини тайёрлаш жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади?
34. Бошқарув қарорларини унсурлари.
35. Бошқарув қарорларининг қабул қилиш босқичлари
36. Бошқарув қарорларининг моҳияти.
37. Бошқарув мақсади ва уларга қўйиладиган талаблар.
38. Бошқарув мақсади турлари.
39. Бошқарув тамойилларини шаклланиши ва тарихий илдизлари.
40. Бошқарув тизимида ваколатни тақсимлаш.
41. Бошқарув тизимида тескари алоқа.
42. Бошқарув усуллари тўғрисида тушунча.
43. Бошқарув функцияларини туркумланиши.
44. Бошқарувда вазиятли ёндашув
45. Бошқарувнинг иқтисодий самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари
46. Бошқарувнинг ижтимоий-руҳий усуллари.
47. Бошқарувнинг умумий ва аниқ функциялари.
48. Бошқарувчининг шахсий фазилатлари таъсирида қандай қарорлар қабул қилиниши мумкин?
49. Д. Мак Грегорнинг мотивлаштириш назарияси
50. Ижтимоий менежмент ҳақида тушунча беринг ва унинг вазифаларини баён этинг
51. Иқтисодий усулларнинг моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?
52. А. Маслоунинг “Эҳтиёжлар пирамидаси” назариясининг моҳияти
53. Инсоний муносабатларни мотивлаштириш модели.
54. Коммуникацион жараён ва уни босқичлари.
55. Коммуникацион жараён деганда нимани тушунасиз?
56. Коммуникация, корхона ташкилот коммуникацияси.
57. Корхона бошқаруви самарадорлигига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
58. Корхона маданият даражасини белгиловчи омиллар
59. Корхонада ходимларни режалаштириш.
60. Корхонада ходимларни яъни инсон омилини бошқариш қандай жихатларни ўз ичига олади.
61. Стратегия ва стратегик менежментнинг мазмуни.
62. Стратегик менежментнинг беш вазифаси.
63. Стратегик режалаштириш ва унинг афзалликлари
64. Компания масадларини ўрнатиш.

65. Стратегияни ишлаб чишиш жараёни
66. Компания стратегиясининг шаклланишига таъсир етувчи омиллар.
67. Стратегия қандай даражаларда ишлаб чиқилади?
68. Тармоқдаги умумий вазият ва ундаги рақобат таҳлилининг мазмуни ва усуллари.
69. Тармоқни таърифловчи умумий иқтисодий кўрсаткичлар.
70. Тармоқдаги рақобат кучлари ва улар таъсирининг даражаси.
71. Рақобат кучлари таркибида ўзгариш ясовчи омиллар.
72. Компания рақобат мавеининг кучли ва заиф жihatлари.
73. Амалдаги стратегиянинг самарадорлиги қандай аниқланади?
74. Компания баҳолари ва ҳаражатларининг рақобатга бардошлилиги қандай аниланади?
75. Компаниянинг рақобат мавқеи қандай баҳоланади?
76. Рақобатнинг 5 та умумий стратегияси.
77. Рақобат устунлигини синаб олиш учун хужумкорлик стратегиясидан фойдаланиш
78. Рақобат устунлигини химоя қилиш учун мудофаа стратегияларидан фойдаланиш.
79. Бошловчиликнинг устунликлари ва камчиликлари.
80. Ҳаражатлар бўйича етакчилик стратегияси қандай вазиятда қўлланилади?
81. Табақалаштириш стратегияси қачон қўлланилади?
82. Хужумкорлик стратегиясининг турлари.
83. Рақиблар хужумини олдини олиш учун нималар қилинади?
84. Рақобат устунлигини химоялаш йўллари.
85. Янги тармоқларда рақобат стратегия.
86. Етуклик босқичида бўлган тармоқларда рақобат стратегияси.
87. Депсинаётган ёки тушкунлик ҳолатидаги корхоналар учун стратегия.
88. Тарқоқ тармоқларда рақобат стратегияси.
89. Иккинчи даражали ўринда бўлган фирмалар стратегияси.
90. Фирманинг тармоқдаги аҳволи қандай баҳоланади?
91. Фирманинг тармоқдаги мавқеи ва стратегик имкониятлари ўртасида қандай боғланиш бор?
92. Хужумкорлик стратегиясини қачон қўллаш лозим?
93. Тармоқдаги ҳаракатлантирувчи кучларга нималар киради?
94. Фирманинг стратегик ҳаракатлари деганда нимани тушунаси?
95. Корпорациянинг ўсиши ва ривожланиши. +
96. Диверсификациялашни қўллаш.
97. Вертикал интеграция

98. Янги тармоқларга кириш стратегияси.
99. Турдош тармоқларга диверсиялаш стратегияси.
100. Нотурдош тармоқларга диверсиялаш стратегияси.

АМАЛИЙ САВОЛЛАР

1. Инновация нима?
2. Инновацион жараённинг моҳияти?
3. Инновацион менежмент тушунчаси нима?
4. Ходимларни инновацион бошқариш зарурияти нимадан келиб чиққан?
5. Инновацион жараённинг қандай институционал тузилмаларини биласиз?
6. Инновацион марказлар нимадан иборат ва улар итисодиётнинг самарадорлигини оширишга қандай таъсир кўрсатадилар?
7. Тизим сифатидаги ташкилот Инновацион фаолиятини фаолият юритишининг мувофиқ шароитлари остида нима ётибди?
8. Янгиликларнинг яшаш давраси концепсияси нимадан иборат?
9. Инновацион фаолиятни бошқариш жараёни фирманинг яшаш давраси билан қандай боғланган?
10. Инновацияларни ташкил қилиш тушунчасига нималар киради?
11. Инновацион корхона фаолиятининг соҳаси нимадан иборат?
12. Инновацион стратегиянинг моҳияти нимадан иборат?
13. Инновацион стратегияларнинг қандай турлари мавжуд?
14. Бозорнинг сегментига мўлжалланган стратегиянинг моҳияти нимадан иборат?
15. Янги бозорларга мўлжалланган стратегиянинг моҳияти нимадан иборат?
16. ИТТКИ қандай босқичлардан ташкил топади?
17. Патентларнинг Инновацион фаолиятдаги роли қандай?
18. Лицензиялаштириш нимадан иборат?
19. Инновацион лойиҳа қандай бўлимлардан ташкил топади?
20. Инновацион лойиҳа экспертизаси тушунчаси қандай элементларни ўз ичига олади?
21. Замонавий технологик инқилобнинг асосий белгилари қандай?
22. Технологияларни таснифлаш қандай белгилар бўйича амалга оширилади?
23. Инвестицион фаолият Инновациядан қандай фарқланади?
24. Инновацион менежментда мутахассисларни режалаштириш ва танлашнинг хусусиятлари қандай?
25. Инновацион фаолиятда ходимларни баҳолашнинг қайси мезонлари айниқса аҳамиятлидир?
26. Инновацион жамоага раҳбарлик усули қандай?

27. Инновацион жамоаларда ролни тақсимлаш нима учун зарур?
28. Инновацион жамоалардаги коммуникатсия нима?
29. Инновацион жараёндаги биргаликда яратиш нимага асосланган?
30. Лойиҳа гуруҳини бошқарувчанлиги асосида қандай омиллар ётади?
31. Стратегик Инновацион маркетингнинг вазифалари қандай?
32. Инновацион якка ҳукмронлиги нима ва унинг даромадларни катталаштиришдаги роли қандай?
33. Оператив Инновацион маркетингнинг моияти нимада?
34. Вазиятли таҳлилнинг Инновацион маркетингдаги роли қандай?
35. Венчурли молиялаштиришнинг лойиҳавийдан фарқи нимадан иборат?
36. Инновацион лойиҳаларга тизимли ёндошишнинг моҳияти нимадан иборат?
37. Регулятив Инновацион фаолият нима?
38. Инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг иқтисодий омиллари нимадан иборат?
39. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб қувватланиши шакллариға нималар киради?
40. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши нима билан асосланган?
41. Стратегия ижроси қандай саволларға жавоб топиши лозим?
42. Нималар компаниянинг асосий қадрияти бўлиши мумкин?
43. Стратегия ва бюджет ўртасидаги боғланиш қандай?
44. Корпоратив маданият нималардан келиб чиқади?
45. Стратегияни бажаришни 8 та бошқарув жараёнини санаб беринг.
46. Тақдирлаш санъатини қандай тушунасиз?
47. Ташкилий тузилмани стратегияға мослаштириш учун нима қилиш керак?
48. Стратегияни қувватловчи сиёсат ва тартиблар қандай яратилади?
49. Мукофотлар ва рағбатлантириш тизими қандай яратилади?
50. Корпоратив стратегия ва маданият ўртасида боғланиш борми?
51. Стратегияни бажариш жараёниға раҳбарлик қилиш усуллари.
52. Стратегияни такомиллаштиришнинг энг яхши усуллари қандай шаклланади?
53. Мукофотлар тизими иш натижалари билан қандай боғланади?
54. Кучли корпоратив маданият яратиш омиллари қандай?
55. Ташкилот тузишдаги биринчи навбатдаги харакатларнинг асосий нусхалари.
56. Бошқаришни турли тузилмаларини устунликлари ва камчиликлари нималардан иборат?

57. Таъминловчи тизим нима?
58. Эришилган натижалар учун ходимларнинг саъйи-харакатлари қандай қопланади?
59. Заиф ривожланган ёки носоғлом корпоратив маданиятнинг белгилари қандай?
60. Бошқарув гуруҳи қандай танланади?
61. Тузилмани мослаштириш бўйича фаолиятнинг истиқболлари қандай?
62. Стратегик ахборотлар тизими қандай яратилади?
63. Мослашувчан корпоратив маданият белгилари қандай?
64. Стратегия ва маданият ўртасида мослик қандай таъминланади?
65. Стратегия ижрочиси қандай саволларга жавоб топиши лозим?
66. Тақдирлаш санъатини қандай тушунасиз?
67. Корпоратив маданият нималардан келиб чиқади?
68. Корпоратив маданиятни такомиллаштиришга сиғиниш тушунчасига қандай қарайсиз?
69. Стратегияни қувватловчи иқлим ва маданият қандай яратилади?
70. Стратегияни бажаришни 8 та бошқарув жараёнини санаб беринг.
71. Кафолатлар ва рағбатлантириш тизими қандай яратилади?
72. Корпоратив стратегия ва маданият ўртасида боғланиш борми?
73. Ташкилот ички муҳитининг ўзгаришларга қодирлиги қандай таъминланади?
74. Стратегияни бажариш жараёнига раҳбарлик қилиш усуллари.
75. Ташкилот тузишдаги биринчи навбатдаги ҳаракатларнинг асосий нусхалари.
